


ҚУМҚҰРҒОНДА АЁЛЛАР БАЙРАМИ УЧУН КОНСЕРТ ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ



Табиат мўжизаларига бой бўлган, энг гўзал фасиллардан бири бўлган баҳор айёмида хотин-қизлар байрамини нишонлаймиз.

Бу ҳам бежизга эмас. Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келишининг ўзи ҳам мўжизадир аслида.

Қумқўрғон тумани Тумарис тантаналар саройида 8-март "Халқаро хотин-қизлар куни" муносабати билан республикамизнинг машхур санъаткорлари Гулинур, Қаҳ-қаҳа жамоаси иштирокида байрам концерт дастури бўлиб ўтди.

Туманимиз аёллари тўкин дастурхон атрафида байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашди.